



Аллох Таоло Куръони Каримда осмон гумбазининг яна бир ажойиб хусусиятига эътиборимизни қаратади:

**«Биз осмонни сакланган – кулаб тушмайдиган том қилиб қўйдик. Улар эса (осмоннинг ой, қуёш, юлдуз қаби Аллоҳнинг қудратини қўрсатиб турган) аломатларидан юз ўгирувчидирлар...»** Анбиё сураси, 32-оят

Осмон гумбази тузилишининг мазкур хусусияти йигирманчи асрда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тўлиқ тасдиқланди.

Ер шарини ҳар томондан ўраб турган атмосфера тирик организмларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шарт-шароитларни бир хилда саклаб туриш билан боғлиқ ҳаётда муҳим вазифаларни бажаради. Атмосфера Ерга яқинлашиб қелаётган каттаю кичик метеорлар, метеоритлар ва бошқа космик жисмларни эритиб, йўқ қилиб юборади ва уларнинг Ер юзига қулашининг олдини олади, акс ҳолда бу фалокат Ер юзидаги барча тирик мавжудот учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Атмосфера биз яшаб турган қурраи заминни қоинотнинг Цельсий шкаласи бўйича –270 даражалик қаҳратон совуғидан саклаб туради. Бундан ташқари, Ер шарини қоинотнинг бошқа ҳавфли таъсирларидан қимоялаб турувчи яна бир қатлам мавжуд. Бу қатлам Ернинг магнит майдони таъсири остида вужудга қеладиган ўзига ҳос мустақкам қалқондир. Бу қатлам Ван Аллен «қалқалари» деб аталади ва у Ер сатҳига етиб қелиши мумкин бўлган зарарли нурланишларни қайтаради. Қоинотда, айниқса, Қуёш сиртида тез-тез юз бериб турадиган энергетик портлашлар инсон ҳаёти учун ҳалокатли бўлган даҳшатли радиоактив нурларни қайтариб чиқаради. Ван Аллен «қалқалари» бўлмаса, мана шундай портлашлар натижасида вужудга қеладиган радиоактив нурланишлар сайёрамиздаги ҳаётни бир зумда сўндириши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, Ер муқаммал муҳофаза тизими ва уни ҳар томондан ўраб турган қимоя қобилиги билан қўшаб олинган бўлиб, бу қобилик еримизни ҳар қандай ташқи ҳавф-ҳатардан саклаб туради. Қайратланарлиси шундаки, мана шу илмий далил ҳам Куръони Каримда зикр қилинган. Оятлардан бирида Аллох Таоло шундай марҳамат қилади:

**«У Зот сизлар учун ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди...»** Бақара сураси, 22-оят

Бу ояти қаримада «осмон» сўзини аёнлаштириш учун араб тилидаги «том» деган сўз қелган, аммо бу сўзнинг «гумбаз, бино» деган маънолар ҳам бор. Масалан, араб бадавийлари қапа ёки чайланинг устига ёпиладиган нарсани ҳам шу сўз билан ифода қиладилар.

Оятдаги «том» сўзидан ҳам айнан ташки таъсирлардан тўсовчи, пана қилувчи деган маъно аниқлашади.

Мана шундай чуқур илмий аҳамиятга эга бўлган, замонавий технология ва техник тараккиёт ютуқлари ёрдамида узок йиллик тадқиқотлар натижасида шу кунларда аниқланган далиллар бир минг тўрт юз йил аввал, на қосмик қузатув асбоблари, на телескоплар, на илгор техник асбоб-ускуналар мавжуд бўлган даврда инсониятга хабар қилинган. Инсоният бу илмларни Аллоҳ Таолодан еттинчи асрда олган бўлса-да, факат орадан ўн тўрт аср ўтгачгина, уларни амалда тасдиқлашга ва улардан фойдаланишга муваффақ бўлди.